# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

1988-1989 ўқув йили учун

## Қабул эълон қилади

### 3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ:

саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, электр-газ пайвандчи, фрезерчи, электр монтёр (электр монтажчи), кенг профилдаги станокчи, техника назорати бўлимининг контролёри, прессловчи-штамповкачи, машинали-контакт пайванд бўйича электр пайвандчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори.

**Ўқиш муддати — 1-3 йил.**

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик таълим группаларини тамомлаган ўқувчиларга ўрта ҳунар-техника билим юртини тугатганлик ҳақида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ўқиш даврида 3 маҳал овқат, бепул уст-бош ва коржомалар билан таъминланадилар, 10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади.

**Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

Билим юртини тамомлаб чиққан ўқувчилар «Ташсельмаш» заводига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга ҳукумат қарорига биноан билим юртини тамомлагандан кейинги мажбурий иш стажисиз ўқишга кириш ҳуқуқи билан олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Билим юртида техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик, фото тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди, билим даргоҳининг Чорвоқ посёлкаси районида ёзги дам олиш базаси мавжуд.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим:** ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, саломатлиги ҳақида справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

**МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-э автобусларнинг «3-СПТУ» бекати, 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати), метронинг «М. Горький» станциясидан ҳар куни соат 8.30 **дан бошлаб билим юртининг** хизмат автобуси қатнайди.

---

**Граждан авиациясининг 243-заводи қошидаги**

### 20-ЎРТА ҲУНАР -ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**Авиация двигателлари слесарь-йиғувчиси, учиш аппаратлари слесарь-йиғувчиси, авиадвигателлар ремонти бўйича слесарь, учиш аппаратлари ремонти бўйича слесарь, учиш аппаратлари электр-монтажчиси.**

**Укиш муддати 1—3 йил.**

Ўқишга қабул қилинганлар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар. Бир йиллик группада ўқувчиларга стипендия берилади.

**Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.**

Билим юртига фақат Тошкент шаҳрида яшовчилар қабул қилинади. Билим юрти ўқув ва дам олиш учун барча зарур шароитларга эга. Спорт секциялари, тўгараклар, вокал-чолғу ансамбли бор.

**Билим юрти директори номига ариза ёзиб, унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:** ўқиш жойидан характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, ота-оналарининг яшаш ва иш жойларидан справкалар, медицина справкаси (286-форма).

Билим юртига ҳужжатлар бўйича конкурс ва суҳбат ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

**МАШҒУЛОТЛАР 1988 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

**Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Граждан авиациясининг 243-заводи. (25, 40, 61, 66, 161-автобуслар, 1, 2, 10-трамвайларнинг ГА «Авиашаҳарча» бекати).

---

### 33-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, механика-йиғув ишлари слесари, ремонтчи-слесарь, парчинлаб иш бажарувчи, кенг профилдаги станокчи (токарь, фрезерчи, чархловчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторй).

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта мактабни битирган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 6-10 ой.

Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга тегишли касб бўйича малака олиб чиққани ҳақида диплом берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 65 сўмдан стипендия оладилар.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Билим юртини тамомлагач уларга тегишли касб бўйича малака олиб чиққани билан бирга ўрта маълумот ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ётоқхона, 3 маҳал овқат, иш кийими ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

**Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига йўлланма оладилар.

Билим юрти спорт базасига эга. Унинг қошида волейбол, футбол, сузиш, бокс, эркин кураш бўйича спорт секциялари, авиамоделчилар, бадиий сўз тўгараклари, вокал-чолғу ансамбли, миллий чолғу асбоблар ансамбли, духовой оркестр, радиотўгарак, тасвирий санъат студиялари ишлаб турибди.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт:** директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмда).

**МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.**

**Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (30, 8, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. М. Кадишев номидаги билим юрти» бекати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.**

### 8-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**8-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 3 йил.**

3 йил муддат билан ўқишга қабул қилинганлар овқат ва уст кийим билан таъминланадилар. Ўқиш тамомлангач, уларга ўрта маълумот ва касб эгаллаб чиққанлик ҳақида диплом берилади.

**10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 8 ой.**

Улар ойига 65 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юртидаги таълим даври умумий меҳнат ва касаба союз стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти авиасозлик саноати учун қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди:

учиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторй, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг созловчиси, механика-йиғув ишлари слесари, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, токарь, фрезерчи.

Шунингдек, 10-синф маълумотига эга бўлган ва Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар фрезерлик касби бўйича ўқишга қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик, авиамоделчилик, радио, фото тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ва учувчилик авиация билим юртларига ўқишга кириш учун йўлланма берилади. Билим юртини тамомлаганлар Тошкент политехника институтининг самолётсозлик ва механика факультетлари кечки ва сиртқи бўлимларига, шунингдек, бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин. Билим юртини тамомлаган ўқувчилар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойидан, ота-онасининг ишхонасидан справкалар, медицина справкаси, мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см ҳажмида).

Билим юрти адреси: 701128, Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Усмон Юсупов кўчаси, Авиационний проезди, 10-уй (10, 27, 23-трамвайлар; 1, 4, 10, 14-троллейбуслар; 44, 48, 97-автобусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати). **Телефон: 41-75-54.**

---

### 21-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**Секретарь-машинистка, секретарь-стенографистка, иш юритувчи, шахсий ЭҲМ оператор-программисти, ЭҲМ ЕС программисти, безакчи-декоратор** (ўқиш муддати—2 йил) **мутахассисларини тайёрлайди.**

**ДИҚҚАТ — ТАЖРИБА!**

Билим юрти 8-синфни битирган йигит ва қизларни 2 йил ўқитиб, уларга секретарь-машинистка, ЭҲМ оператори касбларини ўргатиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом ҳам беради.

ЭҲМ операторлари ихтисоси бўйича ўқишга кираётганлар — математикадан; секретарь-машинисткалар ихтисоси бўйича ўқишга кираётганлар — рус тилидан (диктант) кириш имтиҳонлари топширадилар.

**Имтиҳонлар — 20 августдан 25 августгача шахсий ЭҲМда топширилади.**

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР УЧУН 8 АВГУСТДАН 18 АВГУСТГАЧА КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР ЎТКАЗИЛАДИ.

**Ҳужжатлар — 20 августгача қабул қилинади.**

Билим юрти юқори малакали ташкилий ва ҳисоблаш техникаси мутахассислари тайёрлаш учун ЕС-1022 машиналари билан жиҳозланган ўқув ҳисоблаш марказига, кичик М-6000 базасидаги СП-9000 билан бирга ЕС-9004 УПДМЛ комплекти бўлган тайёргарлик залига, чунончи ДВК-2М, ДВК-3, КУВТ-86 типидаги шахсий компьютерларига эга.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим;** ариза, аттестат ёки маълумот ҳақидаги ҳужжат, характеристика, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700084, Тошкент шаҳри, Ҳуршид кўчаси, 45-уй (10, 44, 56, 85, 88, 179-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати) Телефонлар: 34-55-73, 34-55-51.

---

### 39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**Қизлар учун:** ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноат приборларини синовчи, электрон саноат техника назорати бўлимининг контролёрлари;

**йигитлар учун:** технологик асбоб-ускуналарни йиғувчи, радиоэлектрон аппаратуралар монтажчиси.

**Ўқишга 8-10 синф маълумотига эга бўлган, Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.**

Ўрта маълумотли ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой. «Ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи», «Электрон саноат техника назорати бўлимининг контролёри», «Электрон саноат приборларини синовчи» ихтисоси бўйича ўқишга кирган, 10-синфни битирган қизлар учун машғулотлар — группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади. Ўқувчилар ойига 77 сўм стипендия оладилар. Билим юртини тамомлагач уларга эгаллаган касби бўйича диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Билим юртини тамомлагач, уларга ўрта маълумот ва касб эгаллаганликлари ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Билим юртидаги таълим даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинади.

Билим юрти ўқувчиларга информатика ва ҳисоблаш техникаси фанидан таълим бериш учун КУВТ-86 ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио, фото ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим:** 8-синфни битирганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан, ота-онасининг ишхонасидан справкалар; 8 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмида).

Билим юртини битириб чиққан ўқувчилар базавий корхона — Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводига ишга юбориладилар.

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси, 17-уй (12, 27э, 68э, 80э автобусларнинг «Узбум», 1, 5, 26-трамвайларнининг «Фоменко кўчаси» бекатлари). Телефон: 91-14-51.





## 7 июндан 10 июнгача

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ 19-МАГАЗИНИДА ЎТАДИГАН

### Ким ошди савдосидан

СИЗ ГАЗЛАМАЛАРНИ ЎЗИНГИЗ ТАКЛИФ ЭТГАН НАРХДА СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Магазин адреси: Октябрь бозори.
Иш вақти: соат 9 дан 19 гача.
Танаффус — соат 13 дан 14 гача.

Транспорт: 1, 4, 21-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати.

**«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».**

---

## Пепси-кола— кўпириб турувчи хушбўй ва тотли ичимлик



Ушбу ичимликни катталар ҳам, ёшлар ҳам хуш кўришади. Пепси-кола ўзининг тетиклаштирувчи хусусияти туфайли бардамлаштиради, кайфиятни кўтаради.

ПЕПСИ-КОЛАНИ АЙНИҚСА СОВУТИБ ИЧИШ ЛАЗЗАТЛИДИР.

**МАЗКУР ИЧИМЛИКНИ ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.**

ПЕПСИ-КОЛА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ ВА ГАСТРОНОМЛАРДА, ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ДЎКОНЛАРДА, «ОРОМ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИДА СОТИЛМОҚДА.

**Баҳоси — 45 тийин.**

**ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ.**

---

## «Ташобувьторг» магазинларида

НАРХИ 60-70 ПРОЦЕНТ АРЗОНЛАШГАН ПОЙАБЗАЛЛАР СОТИЛМОҚДА!




**МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:**

**2-магазин** — Кафанов кўчаси, 106 (8, 9, 10, 24 трамвайлар);

**5-магазин** — Жарқўрғон кўчаси, 25 (15, 26-автобуслар);

**6-магазин** — Истиқбол кўчаси, 2 (68-автобус, 5-трамвай);

**7-магазин** — Новомосковская кўчаси, 17 (22, 23, 29-трамвайлар);

**17-магазин** — Навоий кўчаси, Марказ-4, (15, 16, 23, 27-трамвайлар, 4, 18-троллейбуслар);

**19-магазин** — М. Горький проспекти, 2/27 (13, 22-трамвайлар);

**23-магазин** — Ш. Руставели кўчаси, 43 (7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар);

**27/1-магазин** — Хадра майдони (7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар);

**34-магазин** — А. Дониш кўчаси, 4-квартал, 4-уй (25, 28-трамвайлар);

**36-магазин** — Ғ. Ғулом кўчаси, 33 (4, 9, 11-трамвайлар);

**37-магазин** — «Сергели» савдо маркази (58, 75-автобуслар, 19-троллейбус);

**38-магазин** — Қорақамиш массиви, савдо комплекси (10, 27-трамвайлар).

ШУНИНГДЕК, НАРХИ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН ПОЙАБЗАЛЛАР БОЗОР ВА ШАҲАР ЯРМАРКАЛАРИ ТЕРРИТОРИЯЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН МАГАЗИНЛАРДА ҲАМ СОТИЛМОҚДА.

**«ТАШОБУВЬТОРГ».**

*«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.*


---

**Лекциялар ўқиш юзасидан**

«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ШАРТНОМАЛАР ТУЗГАН

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР Н И Н Г РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг ҳисоб-китоб счёти — 001700108 номери билан уй-жой социал банкининг операциялар бошқармасида туради. Код 73427.**

---

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

**юридик бюро бошлиғи вакант вазифасига**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Конкурс муддати — 10 июнгача.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй. Телефонлар: 48-33-42, 48-68-19, 48-16-24.


## Ана бу — «Идеал!»



**Ҳа, «Идеал» — пойтахтимизда ишга тушган янги сартарошхона салонидир.**

**Аммо у кўрсатадиган хизматлар тури бошқа салонларга қараганда кўпроқ. Бу ерда соч, соқол олдириш, мода бўйича сочни ўриб, безак бериш, педикюр ва бошқа косметология хизматларидан фойдаланиш мумкин.**

Бу ерда ҳузурбахш Шарко души, циркуляр, ёмғирлатиш ва тонгги душларни қабул қилиш мумкин. Бунинг учун даволаш кабинетига кириб учрашиш кифоя. Шу ернинг ўзида соғломлаштириш массажи олиш, сауналардан фойдаланиш мумкин.

**Иш вақти — соат 8 дан 22.00 гача, танаффуссиз ва дам олиш кунларисиз ишланади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Норхўжаев кўчаси, 166-уй, маиший хизмат комплекси (5, 25-трамвайлар; 12, 22, 26, 37э, 52, 68э, 81, 110, 11, 183-автобусларнинг «Қорасув канали» бекати). Телефон: 91-60-17.


**В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА**

**5-6 июнь кунлари соат 19.30 да**

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА САТИРА ТЕАТРИ

**Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор асари**

**«ТОБУТДАН ТОВУШ»**

**икки пардали сатирик комедиясини намойиш қилади.**

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Н. Отабоев.**

Рассом — **Р. Туманков.**

Композитор — **Н. Норхўжаев.**

Режиссёр ассистенти — **Л. Саъдуллаев.**

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройида сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

---

**СССР Газ саноати министрлигининг**

«СРЕДАЗГАЗПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

**АП ва АСУ бўлими бошлиғи, бош метролог, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматлар инженери**

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Конкурсда олий маълумотли ва газ саноатида амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар қатнаша оладилар.**

**Конкурс муддати — 4 июнгача.**

Конкурсда қатнашиш учун ариза бериш ва унда иштирок этиш учун кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасини тўлдириш ва уни қуйидаги адресда жойлашган кадрлар бўлимига тақдим этиш лозим: Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Энгельс кўчаси, 66-уй.

Қўшимча маълумотларни 35-85-23, 35-85-05 телефонлари орқали олиш мумкин.

---

«ГАЗАВТОМАТИКА»

**махсус ишлаб чиқариш конструкторлик бюросининг ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ**

ТОШКЕНТ КОМПЛЕКС БЎЛИМИ

**алгоритмизациялаш, программалаштириш, техника таъминоти, жорий этиш бюроларининг мудирлари ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Конкурсда 45 ёшгача бўлган олий маълумотли ва илмий-тадқиқот ёки лойиҳа конструкторлик ташкилотларида ихтисослик бўйича иш тажрибасига эга бўлган кишилар қатнаша олади.

**Конкурс муддати — 10 июнгача.**

Конкурсда қатнашиш учун ариза бериш юзасидан кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасини тўлдириш ва уни қуйидаги адресга етказиш зарур: 700007, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 32«а» уй.

Қўшимча маълумотларни 67-32-78 телефони орқали олиш мумкин.

---

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг**

БОШ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

**ЯНГИ «05» ТЕЛЕФОНИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.**

**Ана шу номер орқали Сиз иссиқлик-сув-электр-газ таъминоти, лифтнинг ишлаши, турар жой фонди ремонти билан боғлиқ барча масалалар юзасидан мурожаат этишингиз мумкин.**

«05» телефонининг ишга тушиш муносабати билан илгари амалда бўлган 33-15-90, 33-43-93, 33-78-95, 33-78-35 телефон номерлари

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

Собир Раҳимов районидаги 1-ўрта мактаб томонидан **Рашидов Абдусалом Ҳамидович** номига берилган 670763 номерли йўқолган 8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 243-мактаб томонидан **Маҳмудов Зокир Қодирович** номига берилган 428444 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 40-ўрта мактаб томонидан **Тошмирзаев Исломжон Инамжанович** номига берилган 256828 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


ТОШКЕНТ оқшоми

Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

*«Тошкент оқшоми»*

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. 00186. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). А. 2132. Тиражи — 108100. 64690. 1 2 3 4 5 6 7 89 10